

Қулматов А.А.,

Ўзбекистон Миллий университети

Иқтисодиёт факультети

«Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти,

иқтисод фанлари номзоди

ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида: «Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур»¹, деб таъкидладилар. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорда зарурий молиявий маблағлар бўлиши талаб этилади.

Тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, технологияни танлаш ва уни моддий таъминлаш тадбиркорда яна бир омилдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади. Тадбиркорлик фаолияти омили – талаб қилинган шаклда (моддий ёки пул) ва талаб қилинган ҳажмдаги капиталдир. Капитал самарадорлиги ва қуввати турлича тушунчалардир. На-

тижа капитал ҳажми кичик бўлганда, жуда катта бўлиши мумкин. Масалан, янги илмий ғоя, тубдан янги техник кашфиёт (инновация)нинг туғилиши ва асосланиши натижасида бўлиши мумкин.

Капитални бошқармай туриб, тадбиркор бўлиш мумкин эмас. Тадбиркор ихтиёридаги капитал қанчалик самарали ёки кучли бўлса, унинг фаолият натижаси шунчалик катта, шунчалик катта ҳажмдаги ижтимоий эҳтиёжларни қондириши мумкин. Оқилона ташкил қилинадиган жами-

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: "Ўзбекистон", 2014. 29-бет.

ят тадбиркорнинг ўсиб бораётган капиталга эгалик қилишга интилишига қаршилик кўрсата олмайди. Чунки тадбиркорлик капиталининг айнан жами ҳажми кўп даражада миллий бойлик даражасини белгилайди. Тадбиркорлик капитали учун нафақат ўз-ўзидан ўсиш, балки тадбиркорни бутун жамият манфаати йўлида ҳаракат қилишга мажбурлайдиган, иқтисодий жиҳатдан оқланган амал қилиш шароитларига имконият яратиб бериш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш жамият ва давлатнинг вазифаси сифатида намоён бўлади. Бундай вазиятга эришиш воситаси давлатнинг қуйидаги йўналишлардаги сиёсати ҳисобланади:

- шаклланаётган тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш;
- молиявий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш;
- ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қуйидагилар натижаларга олиб келади:

- тадбиркорлик тузилмаларининг мунтазам мураккаблашиб боришини келтириб чиқаради;
- тадбиркорлар орасида рақобатлашув даражасини оширади;
- товарлар тақчиллигининг қисқаришига, сўнгра эса тугатилишига, истеъмолчиларга таклиф қилинаётган товарлар миқдори ва сифатининг нафақат анча ошишига, балки улар ассортиментининг кенгайишига ҳам олиб келади;

- тадбиркорларни ё нархларни пасайтиришга, ёки истеъмолчилар пул даромадларини оширишга мажбур қиладики, у фақат истеъмолчилар харид қобилиятини ошириш ҳисобигагина даромадлиликни оширишга эришиши мумкин бўлади.

Капитал деганда фақатгина қандайдир буюмлашган мулк объектларини тушуниш мумкин эмас. У моддийлашган ёки ментал шаклда (билим, кўникма, лаёқат, қандайдир қобилиятларга, касб сирларига эга бўлиш, яъни ноу-хау ҳам товар ва капитал сингари баҳоланади) амал қилиши мумкин. Капитал деганда, моддий ёки молиявий маблағлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ва фойда олиш воситаси бўлиб хизмат қиладиган интеллектуал ишланмалар ва ташкилотчилик кўникмалари тушунилади¹. Бошқача айтганда, капитал деганда қуйидагилар кўзда тутилади:

- тадбиркор томонидан қонуний асосларда (мулк сифатида бўлиши шарт эмас, балки ижара, лизинг, вақтинчалик фойдаланиш ва ҳ.к. ҳуқуқларда) фойдаланиладиган барча ишлаб чиқаришнинг техник воситалари (бинолар, иншоотлар, ускуналар, станоклар, транспорт, жиҳозлар ва б.);

- айланма капитал моддий унсурлари (хом ашё, материаллар, ишчи кучининг малака даражаси, мослашувчанлик, бир марталик ёки қисқа муддат фойдаланиладиган воситалар);

¹ Основы предпринимательской деятельности: экономическая теория. Учебное пособие. / Под ред. В.М.Власовой. – М.: "Финансы и статистика", 2004. – С. 122.

- айланма маблағлар (пул шаклида – иш ҳақи фонди, ишлаб чиқаришни меъёрида ташкил қилиш учун зарур бўлган хом ашёни ўзлаштиришга сарфланадиган маблағлар);

- интеллектуал мулк – тадбиркорлик ғояси, ишлаб чиқариш ва товар ёки хом ашёга ишлов бериш усули, товарга янги сифатлар ёки янги сифат тавсифлари бериш усули, ишлаб чиқаришнинг янги услуби, яъни инновация тушунчасини ўз ичига оладиган барча нарсалардир.

Тадбиркорлик капитали (K) қуйидаги формула орқали аниқланиши мумкин:

$$K = T_d + (O_k + O_c) + I,$$

бу ерда T_d – ишлаб чиқаришнинг техник унсурлари;

$O_k + O_c$ – айланма капитал ва айланма маблағлар;

I – интеллектуал мулк.

Дастлабки тадбиркорлик капиталнинг шаклланиши «Тадбиркорликда пулсиз ҳеч нарсага эриша олмайсан», деган ишбилармон кишиларнинг ўз касбига туртки берадиган доно қоидасидан далолат беради. Албатта, мазкур вазиятда пул деганда капитал тушунилади (қандайдир ишга сарфлаш учун мўлжалланган пул). Ҳар қандай турдаги янги корхонани ташкил қилиш капиталга эгалик қилиш зарурати билан боғлиқ. Тадбиркорнинг қандайдир маълум капитал ҳажмига бўлган эҳтиёжи тадбиркор режаларига, унинг тадбиркорлик ғоясига боғлиқ. Капитал сиғими юқори тармоқлар билан бир қаторда, унча катта капитал қўйилмаларни талаб қилмайдиган тармоқлар ҳам бор.

Дастлабки капитал ҳажми тадбиркорлик ғоясини тадбиқ этиш кўзда тутилаётган тармоққа боғлиқ.

Дастлабки капитал деб, тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш бошланаётган пайтда ёки тадбиркорлик фаолиятининг бошланғич босқичида муомалага чиқарилаётган капиталга айтилади. Одатда, дастлабки капитал деганда лойиҳани амалга ошириш ва кутилаётган самарани олиш учун зарур бўлган пул шаклидаги харажатлар тушунилади. Дастлабки капитал – бу нафақат лойиҳанинг амалга оширилиши учун зарур бўлган, балки шерикларнинг ишбилармонлик обрўйи ҳақида мулоҳаза юритадиган кафолатлардан бири сифатида қараладиган тушунча ҳамдир.

Янги корхонани ташкил қилишда ҳамда қандайдир янги лойиҳа ёки ғояни амалга оширишда капиталнинг асосий ва айланма капиталга ажратилишини кўзда тутиш лозим. Айланма капитални қайтариш асосий капиталга нисбатан бирмунча тезроқ юз беради (асосий капитал эскиришига мос равишда амортизация ажратмалари кўринишида қисмлаб қайтарилади, айланма капитал эса бирданига, товар сотилиб, унинг ҳақи олингандан кейин қопланади).

Асосий ва айланма капитал ўртасидаги нисбат турли тармоқларда турлича. Масалан, музлатгичлар, телевизорлар, видео- ва аудиотехникалар савдосига ихтисослашган савдо корхонасида асосий ва айланма капитал ўртасидаги нисбат гулдўконидаги асосий ва айланма капи-

тал ўртасидаги нисбатга қараганда, бир айланишда 10 мартага юқори.

Тадбиркор дастлаб маркетинг тадқиқотларини олиб боради. Бозорда ушбу товарга талаб бўлиш-бўлмаглигини ва унга қандай нарх таклиф қилиниши мумкинлигини аниқлайди. Шундан сўнг мумкин бўлган шериклар танлови амалга оширилади, бўлғуси шерикларга уни ўтказиш учун зарурий техник ҳужжатлар тайёрланади, унсурларни ишлаб чиқариш ва сотишга шартномалар тузилади. Шериклар билан шартномалар бўйича улардан буюртма берилган унсурларни оласиз ва уларнинг йиғилиши, товарни қадоқлаш ва бозорга етказиб беришни мустақил равишда амалга оширишингиз мумкин.

Демак, бундай шароитда товар ишлаб чиқаришни деярли «нолинчи» капитал билан амалга ошириш мумкин. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ва барча ишлаб чиқариш учун зарурий нарсаларни олишга (ёки ижарага олишга) харажатлар талаб қилинмайди. Капитал маҳсулот йиғиш ва сақлаш учун бинолар қурилиши учун (жуда кичик) керак бўлади. Бироқ бу фақат олдиндан тўловни талаб қилмайдиган, балки «ҳақиқатда» кейинги ҳақ тўлаш шароитларида товар ишлаб чиқарадиган, яъни тадбиркорга ўз товарини кредитга етказиб берадиган (кредит муддати жуда кам, бир ойгача бўлиши мумкин) унсурларни тайёрловчи шериклардир.

Агар тайёрловчилар олдиндан тўловни талаб қилмаса, у ҳолда тадбиркорнинг товарини сотадиган сав-

до шеригидан кредит олиш имконияти қолади. Бу кредит тадбиркор томонидан шериклар – унсурларни тайёрловчилар билан ҳисоб-китоблар учун фойдаланилиши мумкин. Агар савдо шериги тадбиркорга кредит бермаса, у ҳолда банк кредитини олиш имконияти қолади. Демак, маълум шароитларда «яширин шериклик алоқалари механизми» концепциясидан фойдаланиш тадбиркор тушиб қолган қийин вазиятдан чиқишнинг яхши чораси ҳисобланади.

Ушбу концепция яна бир вариантни – маълум шериклик мажбуриятларини ўз зиммасига олиш орқали дастлабки капитални шакллантириш имкониятини ўзида мужассамлаштиради¹. Ўзбекистонда улар воситачилик вазифаларини бажаришга борадилар.

Тадбиркорлик капиталининг шаклланиш манбалари, дастлабки капитал талаб қилинадиган ҳажмнинг қаердан олиниши бу асосий масаладир. Биз кейинги ҳаракатларимизни режалаштириш билан янгидан шуғулланамиз ва биз учун мумкин ва жуда самарали бўладиган дастлабки капитални шакллантириш усулини таққослама таҳлил қилиш йўли билан тушунтиришга уриниб кўрамиз. Бунда, одатда, дастлабки капитални шакллантиришнинг мумкин бўлган усулларига алоҳида эътибор қаратилади:

- олдинги тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижалари (шахсий ёки мерос қилиб қолдирилган);
- шахсий жамғармалар (нафақат пул кўринишида, балки буюм, то-

¹ Теория фирмы. / Под редакцией В.М.Гальперина. – Санкт-Петербург: "Экономическая школа", 2003. –С.14.

вар шаклида ҳам, масалан, тадбиркор корхона капитали сифатида шахсий автомобилига эга);

- маълум мажбуриятлар билан (масалан, фоизга) олинган қарз маблағлари. Бу усул республикамиз шароитида кенг тарқалиб бормоқда. Бу нолдан бошлаб ўсиш деб аталади. Тўғри, кредит олиш шунчаки осон иш эмас, қатъий кафолатлар керак бўлади. Қатор вазиятларда тадбиркорлик ғоясининг ўзи, аниқроғи, ҳисоб-китоблар аниқлиги, катта самаранинг юқори эҳтимоли, капиталнинг тез айланиши ана шундай кафолат сифатида чиқиши мумкин.

Қарз – бир тараф (қарз берувчи) бошқа тарафга (қарз олувчи) пул ёки товарни (буюм) мулкка берадиган, қарздор эса бу суммани ёки шунча миқдордаги, шундай тур ва сифатдаги товарни (буюм) маълум давр давомида (қандайдир пайтда) қайтариш мажбуриятини оладиган битим туридир. Бошқача айтганда, қарз «қарз олиш»ни, яъни қайтариш билан олишни билдиради, аммо қайтариш битим буюмининг ўсишини (фойда йўқ) кўзда тутмайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан қарз ва кредитни чалкаштирмаслик керак (кредит баъзан қарз – фоизсиз кредит сифатида чиқади).

Кредит – бир тараф бошқа тарафга пул ёки товарни қарзга берадиган (қайтаришлилик шароитида муддатли фойдаланиладиган) ва одатда фоиз тўланадиган битим шаклидир.

- Банк кредити – пул маблағлари банк томонидан вақтинчалик фойда-

ланишга бериладиган кредит шаклидир.

Тадбиркор лойиҳани амалга ошириш босқичида дастлабки капитални шакллантиришнинг қабул қилинган усулини танлаш бўйича қарор қабул қилади. Ўз қарорини қабул қилишда у капитални жалб қилиш имкониятларини таққослама таҳлил қилиш натижаларига, яъни улар томонидан аниқланган капитални шакллантириш манбаларига асосланади.

Ғояни амалга оширишга киришган ҳолда тадбиркор капиталга умумий эҳтиёжни аниқлайди. Қарор қабул қилиш учун капитални шакллантиришнинг мумкин бўлган манбалари чизмасини тузади.

Қарор қабул қилиш ҳам лойиҳанинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигига тадбиркорнинг ишончи комил бўлишини кўзда туттади. Бунда қуйидаги омилларга эътибор қаратилади:

- фойдалилик ёки зарарлилик;
- фойда миқдори ва уни бошқа тадбиркорларнинг олаётган фойдаси ҳажмига таққослаш;
- қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қиладиган лойиҳанинг қопланиш муддати.

Қопланиш муддати деганда, тадбиркор инвестицияланган капиталнинг бутун ҳажмини тўлиқ қайтарадиган (ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ҳисобига) давр давомидаги ишлаб чиқариш даври тушунилади. Масалан, биз ишлаб чиқаришга 1000 сўм инвестициялаган бўлсак, соф фойда 200 сўмни ташкил қилса, у ҳолда фақат

беш йилдан кейин ишлаб чиқаришга қўйган маблағимизни чиқариб олишимиз мумкин бўлади. Лойиҳанинг қопланиш муддати бундай вазиятда беш йилни ташкил қилади. Агар биз соф фойда сифатида йилига 500 сўм олсак, у ҳолда қопланиш муддати икки йилгача қисқаради.

Шуни таъкидлаш керакки, қопланиш муддатини аниқлашда фақат соф фойда (ялпи эмас), яъни тадбиркорнинг ўз ихтиёрига ўтаётган (барча тўловлар, йиғимлар ва ҳ.к.лардан «тозаланган») сумма ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, тадбиркор тадбиркорлик капитални шакллантириш муаммоларини тушунтиришда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тавсифдаги кўплаб омиллардан келиб чиқиб, қарор қабул қилиши зарур. Мазкур вазиятда сиёсий омиллар ҳақида эмас, балки тадбиркорнинг ташқи муҳитга боғлиқлиги тўғрисида гапириб мақсадга мувофиқдир. Тадбиркор қуйидаги ташқи муҳит омилларига эътибор қаратиши талаб этилади:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг иқтисодий шароитлари;
- тадбиркорлик ва бизнес соҳасидаги қонунчилик, ниманидир ҳал қиладиган ёки тақиқлайдиган меъёрий ҳужжатлар;
- тадбиркор чиқадиган ёки чиқмоқчи бўлган соҳадаги рақобат даражаси;
- истеъмолчини тутиб турган иқтисодий устуворликлар тизими (ва умуман, истеъмолчи турган бутун вазият);

- ишлаб чиқаришни бошлаш учун зарур бўлган омилларнинг илмий-ишлаб чиқариш даражаси ва уларга эришиш шароитлари (нархлар, сифат ва ҳ.к.);

- талаб қилинган малака даражасидаги ишчи кучини жалб қилиш шартлари.

Олдиндан ҳисоб-китоблар босқичида тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнини меъёрида ташкил қилиш учун капитални ўз ихтиёрига олишнинг тежамли усулларини излаши керак¹.

Биринчидан, ғояни амалга ошириш учун зарур бўлган барча натижалар шаклланининг таққослама таҳлили ўтказилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон шароитида дастлабки тадбиркорлик капитални шакллантириш зарурий инфратузилманинг мавжудлиги, жамиятнинг кўмаклашишга тайёрлиги билан боғлиқ хусусиятларга эга.

Бундай вазиятда дастлабки тадбиркорлик капитални шакллантириш «яширин шериклик алоқалари механизми» концепцияси асосида амалга оширилиши мумкин. Мазкур концепциянинг мазмуни қуйидагича:

- аниқ олинган товарни ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик ғояси ишлаб чиқилади;
- лойиҳа алоҳида таркибий қисмларга ажратилади;
- шерикларга товарнинг алоҳида унсурлари ва таркибий қисмларини ишлаб чиқаришга буюртмалар берилади;

¹ Головань С.И. Бизнес-планирование: Учебное пособие. – Ростов-на-Дону: "Феникс", 2002. –С. 123.

- шериклар товар унсурлари ва таркибий қисмларини тайёрлаши билан уларни тадбиркорга – лойиҳа муаллифига етказиб беради;

- тадбиркор фақат шериклардан олинадиган товар унсурлари ва таркибий қисмларини йиғишнигина амалга оширади;

- тадбиркор баён қилинган чизма асосида тайёрланган товарни қадоқлайди ва маркировкалайди;

- тадбиркор истеъмолга тайёр товарни истеъмолчига (савдо шеригига) етказиб беради ва ундан сотилган товар учун ҳақ олади;

- сотилган товар учун пул олган тадбиркор товарнинг алоҳида унсур ва таркибий қисмларини етказиб берувчи шерикларига тўловларни амалга оширади;

- капиталнинг биринчи айланиши тугаши билан тадбиркорни янги айланишга чиқарадиган илгариги ҳаракатлар қайтадан такрорланади.

Ҳар қандай вазиятда мазкур биз келтирган концепциядан фойдаланиш тадбиркорга маълум фойда келтиради, деб ўйлаймиз.

Тадбиркорлик капиталини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш қўйидаги тамойилларга асосан давом этиши лозим:

- бизнес учун қулай ҳуқуқий шароитларни такомиллаштириш (солиқларни камайтириш, хусусийлаштириш);

- фуқароларнинг шахсий жамғармаларини мамлакатнинг муҳим инвестиция ресурсига айлантиришни рағбатлантириш ишларини давом эттириш (тижорат банклари-

нинг омонатларига жалб этиш, рекламани кучайтириш, яқка тартибда яшин бизнес устидан назорат ва чеклаш тадбирлари);

- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, имкониятларни кенгайтириш орқали расмий рўйхатга олинган тадбиркорликни ривожлантириш;

- тадбиркорларнинг хусусий мулкларини давлат томонидан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар орқали давлат органларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда республикамиз иқтисодиётини инновацион тараққиёт йўлига олиб чиқишдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, саноат соҳасидаги инновацион тадбиркорликни ривожлантириш лозим. Давлат буни солиқ ва кредит сиёсати, ҳуқуқий таъминот ҳамда бошқа бир қатор чоралар билан рағбатлантириши мумкин. Бу соҳадаги тадбиркорликка нархлардан имтиёзлар бериш лозим. Айниқса, газ, электр энергияси, юк ташиш харажатлари бўйича имтиёзли нархларни йўлга қўйиш лозим. Давлат иқтисодиётни ислоҳ қила бориб, тадбиркорлик менежментига алоҳида эътибор қаратиши, иқтисодиётни замонавий бошқарувчи кадрлар билан таъминлаш орқали корхоналарнинг барқарор ишлашларини таъминлаш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Теория фирмы. / Под редакцией В.М.Гальперина. – Санкт-Петербург: «Экономическая школа», 2003. –С.14
2. Шумпетер И. Теория экономического развития. – М.: «Прогресс», 2003. –С. 169–170.
3. Багиев Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. Учебное пособие. / Под общей ред. проф. Г.Л.Багиева. – Санкт-Петербург: Изд-во СПбГУЭФ, 2002. –С. 231.
4. Основы предпринимательской деятельности: экономическая теория: Учебное пособие. / Под ред. В.М.Власовой. – М.: «Финансы и статистика», 2004. –С. 192.
5. Головань С.И. Бизнес-планирование. Учебное пособие. – Ростов-на-Дону: «Феникс», 2002. –С. 123.